

Савол беришни ўрганайлик



14:52 / 19.07.2017 17673

savollar.islom.uz ([Зикр аҳлидан сўранг](#)) сайтига келган хабар:

Ассалому алайкум! Бизларга илм олишни фарз қилган Аллоҳ таолога Ўзининг жалолига муносиб ҳамд ва санолар бўлсин!

Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръони Каримни умматларига омонат ила етказган, унинг аҳкомларини тўлиқ тушунтириб берган ва бизга ҳаётнинг барча соҳаларида қандай йўл тутишни ўргатган, оламларга раҳмат Пайғамбаримиз – Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудун салавотлар бўлсин!

Динимизнинг илмларини ўрганиб, Аллоҳга яқин банд бўламан деган барча биродарларимизга холисона маслаҳатларимни айтмоқчиман.

Мен шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг мухлисман, у кишининг ҳар бир асарини қунт билан ўқиб, хулосалар чиқаришга ва уларни ҳаётга татбиқ қилишга ҳаракат қиламан. Ҳаётлик пайтларида Тошкентда ўқишда юрганимда Рамазон ойидаги маърузаларини икки марта эшитганман, алҳамдулиллаҳ! Бу инсонга ҳурматим беҳад. Илоё жойлари Фирдавс жаннатидан бўлсин! Авваламбор шу ислом.уз портали ва унинг таркибидаги барча сайтларда, хусусан, саволлар.ислом.уз сайтида жонбозлик кўрсатаётган барчага Аллоҳнинг розилигини тилайман!

Барчага айтмоқчи бўлган гапим шуки, биз, яъни диний билими тўлиқ бўлмаган фуқаролар «Зикр аҳлидан сўранг» саҳифасидан бироз андиша билан савол сўрашимиз лозим деб биламан ва буни ҳаммага тавсия қиламан!

Бу сайтдан яқиндагина рўйхатдан ўтишимга қарамай, ўндан ортиқ савол ва мурожаат билан уларни безовта қилдим. Ҳаммасига жавоб ҳам олдим, аммо саҳифага қайта-қайта берилган саволлардан иккитасини мен ҳам яна берибман. Жавоб ҳам шунга яраша келди. Бу такрор қисман эринчоқлигимдан ва сабрсизлигимдандир. Аммо ҳозир бундан беҳад шод ва хурсандман! Сабабини сўрасангиз, бу мен учун катта бир сабоқ бўлди. Энди мен шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг китобларини ўқишнинг ўзига хос усулини йўлга қўйдим (бу айниқса янги китобхонлар учун тавсия).

Тавсиялар:

Авваламбор ушбу мақолани синчиклаб ўрганиб чиқиб, амал қилинглари:

<http://islom.uz/view/ilmni-tartib-bilan-olish-kerak>

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг китобларини яхши ният билан, таҳорат қилиб, илм олиш фарз, бу Аллоҳнинг менга буйруғи дея бошлаш керак (Шайхимиз роҳимаҳуллоҳнинг «Иймон» китобларида шу маънодаги гап бор). Ушбу мақола менга кони фойда бўлди, бу чин ҳақиқат!

Битта дафтар тутиб, мақоладаги тавсияга биноан тушунмаган жумла ва сўзларни ёзиб бора бошладим. Компьютери борлар алоҳида жой очиб, алоҳида Word-файл очиб, эринмасдан ёзиб борсалар ундан ҳам яхши, чунки исталган пайт (Ctrl+F тугмаси орқали) исталган сўзни топиб олишлари, олинган билимларни яна такрорлашлари мумкин бўлади. Мен икки усулни ҳам қўллаяпман: дафтарим ҳам бор, Word-файл ҳам.

Яна бир асосий тавсиям шуки, янги ўрганувчилар бирорта нотаниш сўзни кўриб қолишса, дарров «Аҳком нима?», «Сиёқ нима?» деб, «Зикр аҳлидан сўранг» хизматидаги уламоларни, аҳли илмларни безовта қилавермасдан,

компьютери, интернетни борлар «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни тўлиқ юклаб олишлари, бундай имкони бўлмаганлар китобни сотиб олишлари, унга ҳам имкони бўлмаганлар эса кутубхоналардан олиб фойдаланишлари лозим, менимча. Қуйида изоҳли луғатни жойлайман, иншааллоҳ.

<http://n.ziyouz.com/kutubxona/category/10-o-zbek-tilining-izohli-lug-ati>

Бу менга жуда катта фойда берди, чунки шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг асарларидаги тушунмаган сўзларимнинг аксари араб тилидан олинган экан. Маъноларини эса шу изоҳли луғатдан топяпман. Баъзан бир сўзда 2-3 маъно ҳам жам бўлиши мумкин, сиз эса матндаги маънога яқинини оласиз. Тажрибамдан биламанки, бу кўпроқ вақт талаб қилиши мумкин, аммо илмни оз бўлса ҳам, давомий олганимиз яхши-ку! Қолаверса, бунинг фойдаси катта – қисқа матннинг ёдингизда муҳрланиб қолишига сабаб бўлади, иншааллоҳ!

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда кўпчилик бекорчи, ўзига фойдасиз бўлган ҳар хил нарсаларга берилган. Бунинг ўрнига китоб ўқиб, савол чиқиб қолса, «Зикр аҳли» бор-ку, демасдан, астойдил илм олиш керак. Билмаган саволининг жавобини ҳеч қаердан топа олмаса, сайтдаги «Излаш хизмати»дан ҳам топа олмаса, шундан кейингина сўрашса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дарвоқе, «Излаш хизмати»дан фойдаланишни ҳам ўрганиш керак. Кўпчилик жуда кўп сўралган гапни қайта-қайта сўрашаверади (мен ҳам шулар жумласидан эдим, аммо энди такрорламасликка ҳаракат қиламан). Энди тушундим, агар илм талабидаги инсон саволлар.ислом.уз сайтига кириб, сўзма-сўз ёки қўшиб, ҳар хил комбинацияда (кирилл ва латин алифболарида) қидириб кўрса, жавоб тезда чиқиб келади, иншааллоҳ. Хуллас, савол аввал берилмаган бўлсагина, бу хизматдаги уламоларни безовта қилишимиз керак. «Зикр аҳлидан сўранг» хизмати саволларимизга холис, Аллоҳ учун жавоб беради, аммо «жавоб берар экан-ку» деб, тинмай ҳар хил майда-чуйда саволларни ҳам беравермаслик керак, айниқса ҳар хил беҳуда гаплар, бидъат ва ирим-сиримлар ҳақида).

Сайтдан кузатаманки, кўпчилик динга умуман алоқаси йўқ нарсаларни ҳам сўрашаверади. Баъзан жавобни кўрмай туриб ҳам, «Бунинг динга алоқаси йўқ-ку» деган жавоб берилган бўлса керак деб турсам, худди шундай бўлади ҳам! Мен, яъни илмни энди ўргана бошлаётган ёш одам ҳам шуни билияпманми, демак, бошқалар ҳам билса керак деб ўйлайман.

Қадимда одамлар илм излаб жуда узоқ ўлкаларга боришган экан. Ҳозирги технологиялар ривожланган ва шиддат билан ўсаётган замонамизда тайёр адабиётлардан ва тайёр имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш керак, холос.

Ҳеч қаерга чиқмасак, қадимги замон одамларига ўхшаб, жазирамада туяда юрмасак, кондиционернинг муздек шамоли тагида ўтирган бўлсак, бунинг қадрига етайлик. Кўпчилигимиз смартфонни бекордан-бекорга кавлаймиз, у зорманда эса бекорчи нарсалар билан тўла (тўғри, ҳаммада ҳам эмас, аммо кўпчиликда). Биз Аллоҳ берган неъматдан тўғри фойдаланиб, барча диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаб, Ватанимизга фойда келтиришимиз керак!

Биргина илтимосим шуки, бу гапларимни мақтанишликка йўйманг! Бу менинг ожизона бир тавсияларим эди. Аммо ёзмасам, виждоним қийналарди, чунки ўзимга раво кўрганимни бировга ҳам раво кўришим шарт деб биламан.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ айтганларидек, мусулмон банда фақат бир тарафлама эмас, балки барча соҳаларда – дину дунёда барчага ўрнак, намуна бўлиши керак. Мусулмон одам ақл жиҳатдан ҳам, илм жиҳатдан ҳам, жисмонан ҳам кучли, бақувват бўлиши керак. Устозимиз ҳам шундай эдилар!

Шундай экан, келинг, Исломнинг биринчи масдари бўлмиш Қуръон илмини ҳамда иккинчи масдар бўлмиш ҳадис илмини қалбларимизга жо қилайлик! Шундагина шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ кўп бора таъкидлаганларидек, «Яхшилик бўлади, хайр-барака бўлади, жуда гўзал иш бўлади!»

Сўзимнинг охирида «Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъатига яна бир бор ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ишларингиз доимо олдинга юрсин, барчамизга динда собитқадам бўлиш насиб этсин. Устозимиз раҳимаҳуллоҳнинг барча шогирдларини Аллоҳ таоло жаннатда устозимиз билан бирга қилсин!

Сўзларимни шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг асарларидан ўрганган ушбу жумлам билан якунлай дедим:

«Тавсияларимдан озгина бўлса ҳам фойда топсангиз, Аллоҳ таолодан деб, агар камчиликлари бўлса, каминадан деб билинг!»

Эътиборингиз учун катта раҳмат!

Манба: <http://savollar.islom.uz/savol/128844>